Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Тошкент шаҳар "SHAROIT PLUS" ногиронлар жамоат бирлашмаси нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида

МЕМОРАНДУМ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Академия) номидан Академия бошлиғи в.в.б. Самадов Салом Исматович бир томондан, Тошкент шаҳар «SHAROIT PLUS» ногиронлар жамоат бирлашмаси нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда – Бирлашма) номидан Устав асосида иш юритувчи Рахимова Мухаббат Ахраровна иккинчи томондан, (биргаликда кейинги ўринларда – Томонлар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-257 сонли Фармонига мувофиқ ушбу Меморандумни қуйидагилар тўғрисида тузидилар:

1-модда. Меморандум предмети ва мақсади

1.1. Ушбу Меморандумнинг предмети Томонлар ўртасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида узоқ муддатли, самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, Академия профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талаба ва тингловчилари ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда бирлашманинг "Huquq Plus – махсус ҳуқуқий ахборот веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш" лойиҳаси ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга оид бошқа лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлашда ўзаро ҳамкорлик ўрнатишдир.

Меморандумнинг мақсади томонлар ўртасида мазкур соҳа бўйича ҳамкорликда тадбирларни ташкил этиш ва илмий-амалий тадқиқот ишларини ўтказишга қаратилган шериклик муносабатларини ўрнатиш ва томонлар фаолиятига ҳар тарафлама кўмак беришдан иборат.

1.2. Томонлар умумий амалиётдан келиб чиққан ҳолда, тенглик, эзгу мақсад, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ҳамкорликни амалга оширадилар.

1.3. Ушбу Меморандумни амалга ошириш жараёнида Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширадилар.

2-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг ўзаро ҳамкорлик борасидаги вазифалари

2.1. Бирлашманинг "Huquq Plus – махсус ҳуқуқий ахборот веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш" лойиҳаси ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш;

2.2. Академия ўқув дастурлари доирасида иқтидорли талабаларни амалиёт ўтишлари учун Бирлашма фаолиятига жалб этиш;

2.3. Академиянинг профессор-ўқитувчилари, талаба ва тингловчилари, докторантларни Бирлашма томонидан ўтказиладиган семинар ва тренингларга жалб этиш;

2.4. Ўзаро манфаатли масалалар бўйича қўшма семинарлар, учрашувлар, "очиқ эшиклар куни", давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

2.5. Соҳага оид ўқув-услубий ва бошқа нашрларни тайёрлаш;

2.6. Бирлашма томонидан "Huquq Plus – махсус ҳуқуқий ахборот веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш" лойиҳаси ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид лойиҳаларини амалга оширишида лойиҳага Академия талабалари сафидан фаол волонтёрларни жалб этиш;

2.7. Академия Юридик клиника негизида Бирлашманинг лойиҳалари доирасида тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва ариза лойиҳаларини шакллантириб беришда яқиндан кўмаклашиш;

2.8. Юридик клиника томонидан Бирлашманинг "Huquq Plus" веб портали ҳамда "Телеграм" ижтимоий тармоғи орқали келган мурожаатларга жавоб беришда яқиндан ёрдам бериш;

2.9. Ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида Юридик клиниканинг иқтидорли талаба ва тингловчилар орасидан волонтёрларни жалб этиш ҳамда уларнинг тизимли иштирокини ташкил этиш;

2.10. Томонлар ўзаро ҳамкорлик доирасида ижтимоий-ҳуқуқий лойиҳалар: грантлар, танловлар ва ҳамкорлик дастурларини йўлга қўйиш;

2.11. Ушбу меморандум асосида ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларга жалб қилинган талабаларнинг масъулият билан иштирокини назорат қилиш.

3-модда. Тошкент шаҳар "SHAROIT PLUS" ногиронлар жамоат бирлашмасининг ўзаро ҳамкорлик борасидаги вазифалари.

3.1. Бирлашманинг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган лойиҳаларида ҳусусан ҳозирги кунда бирлашма томонидан амалга оширилаётган "Huquq Plus – махсус ҳуқуқий ахборот веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш" номли лойиҳаси доирасида Академия билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

3.2. Академиянинг ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўналишида тадқиқот олиб боришга қизиқувчи талабаларини Бирлашмага амалиёт ўташида амалий ёрдам кўрсатиш;

3.3. Академия профессор-ўқитувчилари, талаба ва тингловчилари ҳамда докторантлар учун ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид семинар-тренинглар ташкил этиш;

3.4. Бирлашманинг "Huquq Plus – махсус ҳуқуқий ахборот веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш" лойиҳасига ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган турли лойиҳаларига Академиянинг иқтидорли талаба ва тингловчилари ҳамда профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш;

3.5. Академияда ногиронлиги бўлган талаба ва тингловчиларни ўқитишда, инклюзив муҳитни таъминлашда ногиронлиги бўлган талабаларни ўқитишни Академияга таълим дастурларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш, шунингдек, кўриш ва эшитиш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим жараёнида фойдаланишлари учун мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларни ишлаб чиқишга кўмаклашади;

3.6. Академияда таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган талаба ва тингловчилар ҳамда докторантларни реабилитация қилишда, ижтимоий ҳаётга мослаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш.

4-модда. Ҳамкорликни ташкил этиш

4.1. Томонлар ўртасида ушбу Меморандумга қўшимча равишда меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" имзоланиши мумкин.

5-модда. Қўшимча шартлар

5.1. Ушбу Меморандум Томонлар учун ҳеч қандай ҳуқуқий ва молиявий мажбуриятларни юзага келтирмайди.

5.2. Ҳар бир томон ушбу Меморандум шартларини амалга оширишдан келиб чиқадиган харажатларни (агар тегишли келишувларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса) ўз зиммасига олади.

6-модда. Қонунчиликка риоя қилиш

6.1. Томонлар ушбу Меморандумни, шунингдек, алоҳида келишувларни Ўзбекистон Республикасининг барча амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширадилар.

6.2. Томонлар бошқа юридик шахслар билан предмети, ҳажми ва шартлари бўйича ўхшаш шартномалар тузишга ҳақли.

7-модда. Махфийлик

7.1. Томонлар ушбу Меморандум ва бошқа меморандумлар доирасида тузилган алоҳида шартномалар бўйича бошқа томондан олинган ҳар қандай маълумотларни сир сақлашга мажбурдилар.

8-модда. Меморандумнинг амал қилиш муддати ва унинг тугатилиши

8.1. Ушбу Меморандум номуайян муддатга тузилади ва Томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

8.2. Томонларнинг ҳар бири бошқа томонни тугатилиши кутилаётган санадан камида 10 (ўн) календар кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ушбу Меморандумни бир томонлама ва муддатидан олдин тугатишга ҳақли.

9-модда. Якуний қоидалар

9.1. Томонлар икки томонлама музокаралар йўли билан улар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

9.2. Ушбу Меморандумга киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар, агар у ёзма равишда тузилган ва Томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Томонларнинг ҳар бири бошқа томонни ўз номи, манзили, телефон ва факс рақамлари ва интернет манзили ўзгарганлиги тўғрисида бундай ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай хабардор қилиш мажбуриятини олади.

9.4. Ушбу Меморандум икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир томон учун бир нусхадан тақдим этилади.

10-модда. Томонларнинг имзолари:

Тошкент шаҳар "SHAROIT PLUS" когироплар жамоат бирлашмаси раиси	**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғи в.в.б.**
_____ **М.А.Рахимова**	_____ **С.И.Самадов**
2026 йил "___" _____	2026 йил "___" _____